


VI.КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 7124 та кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 83,7 % кўпдир), уларнинг сони 36058 тага етди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 30967 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 24,7 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 33623 таси (11,7 %) Зангиота, 2922 таси (9,4 %) Қибрай, 2282 таси (7,4 %) Тошкент, 1729 таси (5,6 %) Янгийўл туманлари ҳамда 1894 таси (6,1 %) Ангрен, 1766 таси (5,7 %) Чирчиқ шаҳарлари ҳиссаларига тўғри келади.


• Энг катта улуши	• Энг кичик улуши
Зангиота тумани 11,7 %	Пискент тумани 2,5 %
Қибрай тумани 9,4 %	Чиноз тумани 2,5 %
Тошкент тумани 7,4 %	Оҳангарон шаҳри 2,5 %
Ангрен шаҳри 6,1 %	Нурафшон шаҳри 2,4 %
Чирчиқ шаҳри 5,7 %	Оккўрғон тумани 2,4 %
Ўртачирчиқ тумани 5,6 %	Оҳангарон тумани 2,3 %

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да**




2019 йил 1 октябр ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 7142 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 3245 тага ёки 83,7 % га ошган.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар
кесимида сони, бирликда**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг
йиллар кесимида ўсиш динамикаси, 1 октябрь ҳолатига %да**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2019 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан %да)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 37,4 %), саноат (21,7%), қурилишда (10,2 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (9,7 %) ташкил этилган.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2019 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 53,6 % (2018 йил январь-сентябрда 57,7 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 10533,4 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 27,0 %) ёки 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 117,6 % ташкил қилди;

- 14325 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,4 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 97,6 %) ташкил қилди;

- 3179,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 27,2 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 93,7 % ташкил қилди;

- 1801,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 54,1 %) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 156,2 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,6 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 59,4 %), йўловчи айланмасининг эса 102,2 % (умумий йўловчи айланмасининг 96,6 %) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,6 % ёки 11655,0 млрд. сўм (ўсиш 119,8 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 70,8 % ёки 6858,4 млрд. сўми (ўсиш 103,4 %) шакллантирилди;

- 389,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,6) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 960,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 45,8 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	14325	97,6
Саноат	1580,3	15,0
Қурилиш	1801,2	54,1
Чакана савдо	11655,0	119,8
Юк ташиш, млн т	40,3	26,6
Йўловчи ташиш, млн.киши	466,5	90,7
Экспорт, млн. АҚШ долл.	389,7	х
Импорт, млн. АҚШ долл.	960,3	х

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Қурилиш	Инвестиция	Хизматлар
■ 2019 йил январь-сентябрь	53,6	27,0	90,8	90,6	54,1	27,2	70,8
■ 2018 йил январь-сентябрь	57,7	26,9	93,7	89,5	49,3	40,5	74,3